

# Намоз борасида танбех | Ҳадис дарслари (329-дарс)



19:00 / 21.05.2025 2055

إِذْ خَبُرَ الْبُصَيْرِيُّ فِي أَرْقَى مَسْجِدٍ وَهُوَ يَلْعَنُ هَلْ لَنَا إِلَّا صَيِّبٌ نَبَّالٌ عَمَّ سُهُونَ أَعْيُنِي هُجْرًا مِنْ مَجْرُوعٍ  
هُلْ لَنَا إِلَّا صَدْرٌ هَلْ لَنَا أُسْرٌ رَيْسَانًا يَرْدَأُ الْفَأْمَ هَيْتَلِكِ نَيْتِ عَكْرَلَا فِي ضَرْبِ الْإِتْلَازِ  
دُوَادٍ وَبَأْهَ أَوْرَ، أَدْمَعَكَ لَدَا أَرْقَمَ مَسْجِدٍ وَهُوَ يَلْعَنُ

*Жуҳайналик бир кишидан ривоят қилинади:*

**«У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бомдод намозида  
«Иза зулзилатил арзу» сурасини икки рақъатда ҳам ўқиганларини  
эшитган экан.**

**«Билмадим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унутдиларми  
ёки қасддан қироат қилдиларми», дейди».**





Абу Хумайд Соъидий розияллоху анху бу ҳадисни бир тўп саҳобалар билан гаплашиб ўтириб, айтганлар. Бошқа ривоятда зикр қилинишича, ўша тўп ўн кишидан иборат бўлган экан. Бу ўн кишининг ичида Абу Хумайд Соъидий розияллоху анхудан ташқари, Абу Қатода, ал-Ҳорис ибн Робъий, Саҳл ибн Саъд, Абу Усайд Соъидий, Муҳаммад ибн Маслама, Абу Ҳурайра розияллоху анхумлар ҳам бўлганлар.

Ўшанда Абу Хумайд Соъидий розияллоху анху:

**«Мен ичингизда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг намозларини энг яхши ёдлаб қолганингизман»,** дебдилар.

Шунда саҳобалар:

«Қандай қилиб?! Сен ичимизда у зотга кўп эргашганимиз ҳам эмассан, суҳбатинг қадимимиз ҳам эмассан», дейишибди.

Абу Хумайд розияллоху анху:

«Мен атайлаб кузатиб туриб, ёдлаб олганман», дебдилар.

«Қани, кўрсат-чи?!» дейишибди.

Ана ўшанда Абу Хумайд розияллоху анху қиблага юзланиб, кўрсатиб берган эканлар.

**«Мен у зотни кўрдимки, қачон такбир айтсалар, икки қўлларини икки елкалари баробар кўтарар эдилар».**

Яъни, намозни бошлаб, такбири эҳромни айтсалар, икки қўлларини елкалари баробар кўтарар эдилар. Панжаларининг учи қулоққа тенглашиши ва бошқа тафсилотларни олдин ўргандик.

Аёл кишилар эса панжалари учини елкаларидан оширмасликлари маълум.

**«Рукуъ қилсалар, икки тиззаларини икки қўллари билан яхшилаб ушлар эдилар».**

Яъни маҳкам қисиб, тизза кўзлари билан кафтларини тўлдириб ушлар эдилар.

**«Сўнгра белларини тўғри тутар эдилар».**

Яъни рукуъда белларини тўппа-тўғри қилар эдилар. Уламолар «Идишда сув қўйса, турадиган ҳолатда бўлиши керак», дейишади. Бош тўғри тугилади. Пастга эгиб ҳам, юқорига кўтариб ҳам юборилмайди.

**«Бас, (рукуъдан) бошларини кўтарсалар, ғоз туриб, токи умуртқа суякларининг ҳар бири ўз жойига тушгунча тўғрилар эдилар».**

Баъзи кишиларга ўхшаб, бошини бир оз кўтариб, ўша заҳоти тиззани саждага кетадиган томонга туширишни хушламас эдилар.

Демак, рукуъдан турганда қоматни ростмана тўғрилаш керак экан.

**«Бас, сажда қилсалар, икки қўлларини ерга теккизмас ҳам ва (ёнларига) йиғиштириб ҳам олмас эдилар».**

Қўллари, деганда билаклари кўзда тугилади. Сажда қилган одамнинг билаклари ерга ҳам, биқинига ҳам тегмаслиги лозим. Балки кўтарилиб туриши керак. Шунингдек, қорни икки сонига тегмаслиги лозим.

**«Ҳамда оёқ бармоқлари учини қиблага қаратар эдилар».**

Саждада турган одам оёқларининг учини ерга қўйиб, оёқ панжаларини букиб, қиблага қаратиб туриши лозим. Чунки ушбу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганлари ривоят қилинмоқда.

**«Икки рақъатдан кейин ўтирсалар, чап оёқлари устига ўтириб, ўнг оёқларини тик қилар эдилар».**

Ўтиришнинг бу ҳолати ҳаммага маълум. Афсуски, баъзиларимиз бунга амал қилмаймиз.

**«Охирги рақъатда ўтирсалар, чап оёқларини олдинга қилиб, бошқасини тик қилиб мақъадларига ўтирар эдилар».**

Бу ўтиришни Шофеъий мазҳаби олган. Улар «Биринчи ўтириш билан иккинчи ўтириш орасида фарқ бўлиши керак. Кеч қолиб келган одам имомнинг ўтиришидан қаерга келганини билиб олади», дейдилар.

Бошқа мазҳаблар эса «Икки ўтириш ҳам биринчи бор васф қилинган ўтиришга ўхшайди, бу гап фақат шу ривоятдагина келган. Бошқа кўплаб саҳобалар ривоят қилган ҳадисларда бу гап йўқ», дейдилар.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.***

